



Кўрғонтепа туман мактабгача таълим бўлими

муdiri:

А.Ёкубов

Бажарувчи ташкилотни танлаб лиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Кўрғонтепа тумани-2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни Андижон вилояти Кўрғонтепа туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларига овқатланиш учун пиёла, биринчи ва иккинчи таомга чинни косалар сотиб олиш тўғрисида.

1.Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

2.Техник қисм

3.Нархлар қисми

Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.Танлов предмети Андижон вилояти Кўрғонтепа туман мактабгача таълим мактабгача таълим ташкилотларига овқатланиш учун пиёла, биринчи ва иккинчи таомга чинни косалар сотиб олиш.

1.2.Танловининг охирги қиймати 51 776 000,0 (Эллик бир миллион етти юз етмиш олти) минг сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлари қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди.

1.3.Махсулот бўйича техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинмаган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ҳолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: ҳолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб белгиланган график бўйича.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1.Кўрғонтепа туман Мактабгача таълим бўлими (бундан кейин-“Буюрмаи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюрмачи” манзили Андижон вилояти Кўрғонтепа туман Янги ҳаёт МФЙ Мустақиллик кўчаси 2-уй e-mail: Qo'rg'ontepaMTB @inbox.uz

2.2.Танлов etender.uzex.uz платформасида электрон шаклда ўтказилади.

2.3.Танлов “Буюрмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

3.1.Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Агар танлов предмети бўлган ишларни бажариш билан боғлиқ фаолияти қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3.Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш, тугатиш ёки банкротлик арафосида турганлар; мол-мулк мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Иштирокчилар ўз таклифларни электрон қурулғида (etender.uzex.uz) парталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириш лозим.

4.2.Танлов учун таклифлар ва унга тақифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қараб ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3.Танлов ҳужжатларида қуйдагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм “буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматилар кўрсатилиши лозим:

Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4.Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин

-тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади:

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1.Таклифларни тақдим этиш муддати узайтиришга йўл қўйилмайди.

6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бўзган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Иштирокчи ғолиб деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюрмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Таворни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танлов таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда қўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушинтириш талаби билан давлат буюрмачисига сўров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюрмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачиси таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг коидаларига доир тушинтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушинтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюрмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда қўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Давлат харидлари бўйича ҳисобчи:

Ахунова

Ш. Ахунова